



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда миллий ўзгичимизни тиклаш, инсон қадрини улуғлаш, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида ғоят муҳим ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, муқаддас динимизнинг инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган эзгу аъёнларини муносиб давом эттиришга улкан эътибор қаратилмоқда. Ватанимизнинг қадимий тарихини чуқур ўрганиш, буюк аллома ва азиз авлиёларимизнинг иборатли ҳаёт йўли, ноёб илмий меросини тадқиқ этиш ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари билан уйғун ҳолда олиб борилмоқда.

Бу жараёнда, айниқса, билим ва маърифат, маънавий поклик, меҳр-оқибат, хайру саховат фазилатлари улуғланган муборак Рамазон ойининг аҳамияти катта бўлаётганини таъкидлаш лозим. Мамлакатимиз мўмин-мусулмонлари ушбу муқаддас ойни доимо орзқиб, катта хурсандчилик билан кутиб олади. Оила ва маҳаллаларда ўзаро меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, ёш авлодимизни билим-маърифат ва гўзал ҳулқ соҳиблари этиб камол топтириш, эҳтиёжманд инсонларга кўмак ва ёрдам кўрсатиш каби эзгу амалларни сидқидилдан, ихлос билан адо этишга интилади.

Халқимиз учун эзгулик, бирдамлик, олижаноблик ва шукроналик тимсоли бўлган кўтлуг Рамазон ойини муносиб кутиб олиш ва юқори савияда ўтказиш, диний-маърифий, маданий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2024 йилда муборак Рамазон ойининг бошланиши 11 март кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳудудларда Рамазон ойини миллий аъёна ва қадриятларга мос тарзда ўтказишга доир чора-тадбирларни амалга оширсин.

Мурувват, аҳиллик ва ҳамжихатликни улуғловчи ушбу фазилатли ойда кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила ва маҳаллаларда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар, қабристонларни ободонлаштиришга қаратилган тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида эътибор берилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси М.М.Камилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 7 март

Ислохот одимлари



АЁЛНИ УЛУҒЛАШ оилани, Ватанни, келажакни улуғлаш демакдир

Кун кеча янги Ўзбекистонимизда Халқаро хотин-қизлар кун байрами алоҳида тайёргарлик, кўтаринки руҳ ва ўзгача шуқуқ билан нишонланди. Байрам муносабати билан пойтахтимизда ташкил қилинган тантанали маросимда иштирок этган Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг нутқини тинглаб, матбуотда ўқиб, мамлакатимизда хотин-қизларга қаратаётган эътибор янги босқичга кўтарилгани, аёл кадрлари келажакда улуғланаётганига яна бир бор амин бўлдик.

Дарҳақиқат, инсоният тамаддунида ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга муносабат билан белгиланган. Тарихнинг ўзи гувоҳ: аёл шаънига қанчадан-қанча қасидалар, шеър дostonлар, кўшиқлар, ғазаллар битилган бўлмасин, токи дунёда одамзод бор экан, она меҳри, аёл муҳаббати барқарор экан, бу азалий ва абадий мавзу ҳеч қачон поёнига етмайди. Нега деганда,

Яратганининг буюк мўъжизаси бўлмиш аёл зоти ҳар қандай юксак ҳурмат ва таҳсинларга муносиб. Ҳадиси шарифдаги “Жаннат оналар оёғи остидадир”, “Аввал онангизга, яна онангизга ва яна онангизга, сўнг отангизга яхшилик қилин” деган беназир сўзларда ҳам ана шу адоқсиз эҳтиром намойён бўлиб турибди.

Давоми 5-бетда

Қадрият



ДИЛ ҒУБОРИН АРИТАР ҲАШАР

2

ЎЗБЕКИСТОН 2030 СТРАТЕГИЯСИ

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШ, ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ Давлат дастурида иқтисодий йўналишдаги вазифалар бисёр

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 21 февралдаги фармони билан имзоланган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” да амалга оширишга оид давлат дастурининг иқтисодийта бағишланган иккинчи бўлими 17 банд ва 13 муҳим йўналишни ўз ичига олган.

Дастур кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиниб, 30 мингдан ортиқ тақлиф асосида ишлаб чиқилган. Яъни унга қизиқиш юқори бўлгани, умуман, кейинги йилларда одамларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий фаоллиги ортиб бораётганини дикқатга сазовор. Яна айтиш керакки, жорий йилга мўлжалланган ишлар “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган вазифалар билан уйғун тарзда бажарилади. Жумладан, макроиқтисодий барқарорлик деяр ноланган биринчи йўналишда 2030 йилга қадар мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажминин 160 миллиард АҚШ доллари етказиш, аҳоли жон бошига даромадларини 4 минг доллардан ошириш, давлат қарзини ЯИМнинг 50 фоиздан, инфляция даражасини эса 5-6 фоиздан кўпайтирмаслик белгиланган. 2030 йилга қадар мамлакатимиз иқтисодийта ҳажминини 2 баробар ошириш ҳисобига “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириши мақсад қилинган.

Бунга эришиш учун “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” давлат дастурида жорий йилда ЯИМ ўсиш суръатларини 6 фоиздан кам бўлмаган даражада таъминлаш кўзда тутилган. Бунинг учун қишлоқ хўжалигида 4 фоиз, қурилишда 6,3 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 7 фоиз ҳамда бозор хизматлари кўрсатишда 14,9 фоиз иқтисодий ўсишни таъминлаш керак. Дастурда экспорт



ҳажми ўсишини 25 фоизга етказиш ҳамда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг асосий шартларидан бири ҳисобланган бюджет тақчиллиги ЯИМга нисбатан 4 фоиздан юқори бўлмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Дастурининг иккинчи йўналиши фискал сисъатга оид чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар бўлиб, бунда 2030 йилга қадар бюджет тақчиллигини 2025 йилдан 3 фоиздан паст бўлишини таъминлаш, “натيجага йўналтирилган бюджетлаштириш” амалиётига ўтиш, яширин иқтисодийта қисқартириш ҳамда “солиқ маъмуричилиги тизимининг самардорлигини янада ошириш” борасида тизимли ишлар белгиланган. Бунда инфляция даражасини 9 фоиз атрофида ушлаб туриш ҳамда пул бозорида ижобий 3-4 фоизли реал ставкалар шаклланишини таъминлаш муҳим. Бу эса бюджет жараёнларининг шаффофлигини янада оширишга хизмат қилади.

Учинчи йўналиш саноатни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар бўлиб, келгуси олти йилда саноатнинг драйвер соҳаларини ривожлантириш ва ҳудудларнинг саноат салоҳиятини тўлиқ ишга солиш назарда тутилган.

Иқтисодийта соҳасидаги яна бир муҳим йўналиш капитал бозорини ривожлантиришдир. Бу йўналиш мамлакатдаги хусусийлаштириш жараёни натижасини йўналтиришга қўрсаткич бўлиб, қимматли қоғозлар бозори фаоллашуви инвестицион жойибдорлик ошишига олиб келади. Ушбу мақсадда бир йил давомида хорижий инвесторларга тақлиф этиш учун истиқболли лойиҳа тақлифларини ишлаб чиқиш, хусусийлаштирилаётган давлат активларини тўғрисида тақдимот материалларини тайёрлаш ҳамда АҚШ, Япония, Буюк Британия, Канада, Германия ва Швециянинг салоҳиятли компаниялари билан учрашувлар режа жадвалини тасдиқлаш каби вазифаларни

амалга ошириш зарур. Натияжада иқтисодийта давлат улуши камайиб, монополист корхоналар фаолияти чекланади, давлат улуши мавзуд корхоналарда трансформация жараёнлари фаоллашади.

Стратегиядаги муҳим йўналишларидан яна бири инвестиция сисъати юритишга оид бўлиб, унда 2030 йилга қадар иқтисодийта 250 миллиард АҚШ доллари, хусусан, 110 миллиард доллар хорижий инвестицияни жалб қилиш, қиймати 150 миллиард долларлик 500 дан зиёд технология ва инфраузилмавий лойиҳани амалга ошириш ҳамда барча иқтисодий зоналарда зарур инфраузилмадан уздуксиз фойдаланиш имкониятини яратиш белгиланган. Шу билан бирга, давлат иштирокидаги 40 та корхона акцияларини “халқ IPO”сига чиқариш, бунда аҳоли қатнашинини рағбатлантириш механизмларини жорий этиш назарда тутилган.

Давоми 3-бетда

Долзарб мавзу

255 МИЛЛИОНГА ЯҚИН ДАРАХТНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ БОР

Одам бир кеча-кундузда 5-6 литр кислород қабул қилади. Бу эҳтиёжни қондириш учун 22 та дарахт керак бўлади. 1 гектар ерга экилган дарахт бир йилда 8 килограмм карбонат ангидрид ютиб, 6 килограмм кислород ишлаб чиқаради. Ёки ярим гектардаги дарахт бир автомобилнинг 42 минг километр йўл босиб, чиқарган карбонат ангидриддини ютади. Шу боис, ўрмонлару яшил масканларни ернинг ўпкасига менгзашади.

Дарахтлар транспорт воситалари шовқинини ютади, қушлару ҳайвонлар, тирик жонзотларга ин ва озуқа манбаи, уларнинг бақувват илдизлари тупроқ намлигини сақлаб, ҳаво ҳароратини пасайтиради, саксовулу юлгинлар эса қум-чанларга қалқон — тўсиқ бўлади.



Хуллас, дарахтларнинг аҳамияти, қадр-қиммати катта. Иқлим ўзгариб бораётган ҳозирги даврда, айниқса, ёз фаслида тошкентликлар ҳам буни тобора кўпроқ ҳис қиляпти.

— Чунки пойтахтда яшиллик даражаси кескин камайиб кетган. Бундан 15 йил илгари шаҳар 20-30 фоизгача яшиллик билан қопланган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 10-18 фоизга тушиб қолган. Дарахтлар,

боғлар ва кўкаламзорлар ўрни бинолар, йўллар, асфальт ва бетон билан қопланган, шаҳарсозлик ва қурилиш ишлари ҳам фаол олиб борилмоқда, — дейди иқлимшунос тадқиқотчи Эркин Абдулаҳақов. — Бир неча тадқиқотчи ҳаводаги кислород, азот ва карбонат ангидрид таркибинини ўз методологияси асосида ўрганган. Натияжа шуни кўрсатганки, Тошкент шаҳри марказида кислород миқдори 20 фоиз — дунё бўйича ўртача кўрсаткичдан қариб 1 фоиз паст бўлган.

Уйқумиз бузилишига сабаб — кислород етишмаслиги. Яъни шаҳарда ўртача 21 фоиз атрофида кислород бўлиши керак. Бунда унинг 0,1-0,2 фоизлик ўзгариши ҳам билинади, каттароқ рақамларни тасаввур қилаверинг. Катта шаҳарларда кислород миқдори одатда 20,5 фоиз бўлади, лекин пойтахтимизники мазкур кўрсаткичдан ҳам пастроқ. Бу яшиллик камайиб кетаётганини аналтади. Табиийки, янада аниқроқ маълумотлар кенг қамровли тадқиқотларни талаб қилади.

Тошкент ва бошқа шаҳарларда ҳавонинг ифлосланиши ва ҳарорат ошиб бораётганига яшиллик даражаси камайётгани катта таъсир кўрсатмоқда. Бунинг сабабларидан бири эса дарахтларнинг ноқонунли кесилишидир.

Давоми 4-бетда

ЎЗБЕКИСТОН 2030 СТРАТЕГИЯСИ



Нодир РАСУЛОВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Макроиқтисодий ва ҳудудий
тадқиқотлар институти
лойиҳа раҳбари, иқтисодиёт
фанлари доктори

Бошланғичи 1-бетда

Мазкур йўналишдаги яна бир муҳим масала нуфузли хорижий компаниялар билан ҳамкорликда мамлакатимизда камида 10 та хорижий инвестиция лойиҳаси доирасида кон захираларини баҳолашда илгор халқаро стандартларни жорий қилишдир. Шу мақсадда бу йил юртимизда учинчи бор Халқаро инвестиция форуми ўтказилади.

Иқтисодиётдаги барча лойиҳалар ўз вақтида бажарилишини пул-кредит тизими барқарор ишлашини таъминлашда банк соҳаси муҳим ҳисобланади. Мутахассислар бежиз банкни иқтисодиётнинг юраги, деб таъкидламайди. Шу нуқтан назардан, стратегияда ҳам муҳим йўналишлардан бири сифатида банк соҳасида ислохотларни янада фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, 2030 йилга қадар банк ва молия тизимида йиллик кредитлаш ҳажмини 40 миллиард долларга етказиш, банк омонатлари ҳажмини 4 баробар ошириш, давлат ихтиёрида 3-4 та банкни сақлаб қолган ҳолда банкларни хусусийлаштириш, банк бозорига камида 4 та йирик нуфузли чет эл банкни жалб қилиш билан бирга камида 3 та тижорат банкни ислом молиясининг мезон ва тартибларини жорий этиш вазифаси қўйилган.

Стратегияда иқтисодий соҳада белгиланган муҳим вазифалардан бири “яшил” иқтисодиёт бўлиб, бунда 2030 йилга қадар бир қанча чора-тадбирлар назарда тутилган. Хусусан, қайта тикланувчи энергия манбаларини 25 минг мегаваттга, унинг жами истеъмолдаги улушини 40 фоизга етказиш, саноатда “яшил сертификат”лар бозорини ривожлантириш билан бирга, кўп қаватли уй-жойлардаги ҳамкорликнинг энергия самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш мақсад қилинган. Шу билан бирга, жамоат транспортини экологик тоза ёқилғига ўтказиш, иссиқхона газларининг ялли ички маҳсулот биллигига нисбатан 2010 йилдаги даражадан 30 фоиз қисқартириш ҳамда иқлим ўзгариши соҳасида барча иссиқхона газларини қамраб

олувчи мониторинг тизимини (MRV) яратиш кўрсатиб ўтилган. Айна шу йўналиш бўйича йил давомида мамлакатимизда қўшимча 1270 МВт. қувватли қуёш фотоелектр ва 200 МВт. қувватли шамол электр станциялари, шунингдек, микро ва кичик ГЭСлар ишга туширилади.

Ижтимоий соҳа объеклари ва давлат идораларига 60,9 МВт. тадбиркорлик субъектларига 175,7 МВт. аҳоли хонадонларига 102,2 МВт. кўп қаватли турар жойларга 8 МВт. бўлган кичик қувватли қуёш панеллари ўрнатилди.

Сўнгги вақтларда ижтимоий тармоқларда, жамоатчилик орасида кенг муҳокама қилинган сабаб бўлаётган соҳалардан бири энергетика тизимидир. Стратегияда энергетика тизимини ислох қилиш борасида аниқ вазифалар белгилаб берилган. Хусусан, 2030 йилга қадар тизим самарадорлигини ошириш баробарида республика бўйича эҳтиёж учун етказиб бериладиган электр энергияси миқдорини 120 миллиард кВт.га, табиий газ казиб олиш ҳажмини 62 миллиард куб метрга етказиш, иқтисодиёт тармоқлари энергия самарадорлигини 2 баробар ошириш ҳамда барча турдаги энергия ресурслари ҳисобини юритишни тўлиқ рақамлаштириш белгиланган. Бунинг учун жорий йилда “Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан 95 та ишлаш кудуги бургиланади, 81 та кудуқда мураккаб турдаги капитал таъмирлаш ишлари олиб борилиши ҳисобига уларни ишлаб чиқаришга қайтариш, 42 та технологик тадбир ҳамда бажарилган ишлар эвазига 29,3 миллиард куб метр табиий газ казиб чиқариш кўзда тутилган.

Стратегиядаги барқарор иқтисодий ўсиш орқали транспорт-логистика тизимида ҳам



қатор ислохотлар белгиланган. Хусусан, транзит юкларни ташиш ҳажмини 16 миллион тоннага, электрлаштирилган темир йўллари улушини 65 фоизга етказиш, авиақатновлар сонини 4 баробар ошириш билан

бирга 56 минг километр йўл қуриш ва таъмирлаш назарда тутилган. Тошкент — Самарқанд, Самарқанд — Навоий — Бухоро йўналишларида янги тезорар темир йўл қурилади. Хусусан, авиакомпаниялар сони эса 10 тага етказилади. Пировардида бу йўналиш бўйича республикамиз ҳудуди орқали транзит юкларни ташиш ҳажми 13,7 миллион тоннага етади, йўловчи ва юк ташиш хизматлари ҳамми 12, авиақатновлар сони 40 фоиз ошади. Қўшни республикаларга автобус қатновлари сони 2 баробар кўпаяди, Андижон, Самарқанд, Наманган, Қарши ва Урганч шаҳарларида мунтазам автобус йўналишлари босқичма-босқич брутто-шартнома тизимига ўтказилади.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигида йиллик ўртача даромадини 5 минг долларга, экспорт ҳажмини йилга 10 миллиард долларга етказиш кўзда тутилган. Бунинг учун соҳага жами 15 миллиард АҚШ доллари миқдоринда инвестиция жалб қилиниши керак. Қишлоқ хўжалигида қўшимча 300 минг гектар ерга замонавий сув тежайдиган технологияларни қўллаш ҳолда доривор, мойли, дуққақли,

шоли, галла, сабзавот, полиз экинлари еклилади. Интенсив бог ва узумзорлар ташкил этилади. Республикада 2,5 миллион тонна қувватга эга бўлган 100 та янги агрологистика маркази очилади. Бу мақсадлардан келиб чиқиб, 2024 йилда кластерларга хориждан ҳосилдорлиги юқори уруғликлар олиб киришга руҳсат берилди. Пахтада 5 та, галлада 8 та янги тезпишар, серҳосил навни танлаш ва жойлаштириш ниҳоясига етказилади. Танлаб олинган навлар майдонини ҳар йили камида 10 фоиз кенгайтириб бориш билан бирга замонавий тежамкор технологиялар пахта ва галла майдонларининг 40-50 фоизда жорий этилади. Бу эса озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан бирга маҳаллий бозорларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар таннариҳи пасайишига олиб келади.

2024 йилда экспорт салоҳиятини ошириш борасида 10 турдаги тайёр маҳсулотнинг ҳар бирига 10 тадан янги истиқболли бозорни аниқлаш, “Экспорт акселератор” дастурини амалга ошириш учун хорижий илгор консалтинг компанияларини жалб этиш, “Йўл харитаси” ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда

уни доимий мониторинг қилиб бориш белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш орқали жорий йилда экспорт ўтган йилдагидан 25 фоиз кўпаяди.

Сўнгги йилларда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини янада оширишда тадбиркорликка катта эътибор берилмоқда. Шу боис, келгуси олти йилда иқтисодиётда нодавлат сектор улушини 85 фоизга етказиш, давлат улуши мавжуд 2,3 минг корхона сонини 6 баробар камайтириш ҳамда 17 турдаги давлат монополиясини бекор қилиш орқали ушбу соҳаларга хусусий секторни кенг жалб этиш мақсад қилинган. Бизнес учун қўшилган қиймат ва фойда солиқ ставкаларини уч йил давомида оширилмаслигини қароқотлаш ҳам кўрсатиб ўтилган. Оливаллий тадбиркорлик асосида бандликни таъминлашда оддий қўл меҳнатидан саноатлашган ишлаб чиқариш босқичига ўтиш билан бирга ускуна сотиб олиш учун имтиёзли кредит миқдорини 100 миллион сўмга ошириш вазифаси қўйилган. Жорий йилнинг ўзига эса тадбиркорликни ривожлантириш орқали 2 миллион кишини бизнесга жалб қилиш, камида 200 мингта янги тадбиркорлик субъекти ташкил этиш, 90 мингта корхона ва 110 мингта яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш кўзда тутилган. Қўрииб турибдики, жорий йилда ҳам тадбиркорликни ривожлантиришга давлат томонидан катта устуворлик берилади.

Жорий йилда ҳудудларни ривожлантириш мақсадида ўрта ва йирик шаҳарлар ҳамда аҳолиси 300 мингдан кўп бўлган туманлар замонавий тус олади. Аҳоли пунктлари бош режаси, 5 та шаҳарнинг бош режаси лойиҳаси ишлаб чиқилади, 48 та шаҳарчининг бош режаси лойиҳалари якунланади. Шунингдек, 116 та қишлоқ (овул) схемаларини шаҳар-созлик талабларига мослаштириш чоралари қўрилади.

Бу йилги давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши, биринчидан, мамлакатимизда ёшларга эътибор янада оширишга олиб келади. Бу уларнинг келажакка ишончини мустаҳкамлаб, бор имкониятларини ишга солишига катта рағбат беради.

Шу билан бирга, аҳолини, хусусан, ёшларни тадбиркорликка жалб этиш орқали янгича фикрлайдиган, нафақат маҳаллий, балки хорижий бозорлар учун рақобатга жавоб берадиган маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқаришга жиддий тurtки берилади. Бу эса янги иш ўринлари яратилиши, экспорт салоҳияти ошиши, фойдаланилмай турган имкониятлар ишга солинишига олиб келади.

Биз ва дунё



Усмон АБДУРАСУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Статистика агентлиги ахборот
хизмати раҳбари

Жаҳон статистика ҳамжамиятининг энг олий органи БМТ Статистика комиссиясидир. Комиссия глобал статистика тизимини, яъни БМТга аъзо давлатларнинг мазкур соҳа идоралари раҳбарларини бирлаштирилади. Халқаро статистика фаолиятига доир стандарт, концепция, услубиятларни ишлаб чиқиш ва уларни халқаро миллий миқёсда амалга ошириш бўйича қарор қабул қилади. Шунингдек, у БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг функционал комиссияси бўлиб, унга миллий статистика тизимларини ривожлантириш ва маълумотларнинг таққосла-

ГЛОБАЛ СТАТИСТИКАДА УЙЎНЛИК ШАФФОФЛИК ВА АНИҚЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ҳар қандай мамлакат ва соҳа тараққиёти негизда халқаро ҳамкорлик ҳамда интеграция муҳим ўрин тутаети. Мамлакатимиз, шу жумладан, унинг миллий статистика тизимининг ваколатли органи ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги ҳам дунё ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси сифатида турли халқаро тадбирларда фаол иштирок этиб келади.

нувчанлигини таъминлаш, БМТ ихтисослаштирилган агентликларининг статистика соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришга ҳамда статистикани ва статистик услубиятларни такомиллаштиришга ёрдам беради.

Комиссия сессиялари ҳар йили БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида ўтказилади ва статистика соҳасидаги энг юқори расмий халқаро форум ҳисобланади.

Комиссия 75 йилдан ортқ фаолияти давомида статистиканинг барча йўналишлари бўйича асосий халқаро стандартлар, концептуал таърифлар ва услубий кўрсатмаларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш учун асосий платформага айланган.

Жорий йилнинг 27 февралдан 1 мартга қадар БМТ бош қароргоҳида Статистика комиссиясининг навбатдаги 55-сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Статистика агентлиги делегацияси ҳам иштирок этди. Халқаро анжуман доирасида мамлакатимиз статистика соҳасида кечаётган ислохотлар, статистика идоралари фаолиятидаги ўзгаришлар, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, тизимда сифатни бошқаришни илгор усуллар асосида



OPEN DATA WATCH

йўлга қўйиш, жараёнларни халқаро статистика услубиятларига мос равишда амалга ошириш борасида эришилган натижалар муҳокама этилди. Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва гендер статистикасини юритиш, “Очиқ маълумотлар хатлови” баҳолашларида қайд этилган ютуқлар ҳақида маълумотлар берилди.

Аслида, мамлакатимиз статистика соҳасининг 2023 йилда эришган ижобий натижалари ҳам унинг халқаро нуфузидан далолат беради. Чунки ўтган йили Ўзбекистон очиқ маълумотлар рейтингига 195 мамлакат орасида 70 балл билан 30-ўринга кўтарилди ҳамда Марказий Осиёдаги пешқадамлигини

сақлаб қолди. БМТ Барқарор ривожланиш ечимлари тармоғи ва халқаро экспертлар томонидан эълон қилинган БРМ рейтингига 71,1 индекс билан 166 мамлакат орасида 69-ўринни эгаллади. Open Data Watch ташкилотининг сўнгги ҳисоботида кўра, Ўзбекистон “Очиқ гендер маълумотлари индекси”да 69,7 балл тўплаган ҳолда жаҳондаги энг яхши 20 та мамлакат орасидан жой олди.

Шунингдек, БМТ Статистика бўлимининг расмий веб-саҳифасида Ўзбекистон Барқарор

баҳолаш тизими бўйича Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар портали (data.egov.uz) “GOLD LEVEL” олтин даражадаги сертификатини қўлга киритган.

Дунёда атиги 3 та сайт энг юқори бўлган “Platinum level” даражадаги сертификатга эга. Улардан бири Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг расмий сайтидир.

Делегация аъзолари БМТнинг Осиё ва Тинч океани бўйича ижтимоий ва иқтисодий комиссиясининг Статистика кенгаши ва Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Статистика комиссияси бюралари амалий муҳокамаларида фаол бўлди. БМТ Статистика

БМТ Барқарор ривожланиш ечимлари тармоғи ва халқаро экспертлар томонидан эълон қилинган БРМ рейтингига 71,1 индекс билан 166 мамлакат орасида 69-ўринни эгаллади. Open Data Watch ташкилотининг сўнгги ҳисоботида кўра, Ўзбекистон “Очиқ гендер маълумотлари индекси”да 69,7 балл тўплаган ҳолда жаҳондаги энг яхши 20 та мамлакат орасидан жой олди.

ривожланиш мақсадлари бўйича энг илгор тажрибаларга эга 87 давлат қаторида туради. Лондондаги Очиқ маълумотлар институти

департаменти, Open Data Watch, БМТ Европа иқтисодий комиссияси, Канада, Малайзия, Жанубий Корея, Сингапур,

Долзарб мавзу

255 МИЛЛИОНГА ЯҚИН ДАРАХТНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ БОР



Абдурауф ҚОРЖОВОВ, иқтисодий шарҳловчи

Бошланиши 1-бетда

Муддатсиз мораторий қандай натижа берапти?

Президентимизнинг 2019 йил 30 октябрдаги "2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармонида биноан, давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталарнинг қимматбаҳо навлари кесилишига 2020 йил 31 декабрдан мораторий эълон қилинган эди. Кейин унинг амал қилиш муддати 2021 йил охиригача узайтирилди. Ҳар бир ноқонуний кесилган дарахт ва бута учун уч йил давомида парвартишлар шарти билан 100 туп кўчат экиш мажбурияти белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 30 декабрдаги "Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони билан давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига мораторий амал қилиши муддатсиз даврга узайтирилди. Ҳужжатда амалдаги чеклов ва мажбуриятлар билан бирга, кўшимча равишда мораторий талабларини бузганлар учун ҳуқуқбузарларга маъмурий жарималар миқдори беш баробар, дарахт ва буталарни ноқонуний кесиб ва шикастлантириш билан ўсимлик дунёсига етказилган зарар учун эндириш суммалари икки баробар оширилди. Қолаверса, дарахтларни ҳар қандай ҳолатда кесиб ёки йўқ қилиш тўғрисида ҳуқуқат фармойиш ва ҳокимлар қарор қабул қилиши тақиқланди.

Мораторий талабларини бузган қурилиш-пудрат ташкилотларининг "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимидagi даражаси — рейтинг баҳоси бир поғона пасайтирилади. Бунинг оқибатида ташкилот бир йил мобайнида ўз даражасини (рейтинг баҳосини) кўтариш имконидан маҳрум бўлади.

Мазкур фармондан сўнг қандай ўзгаришлар рўй берди, энг муҳими, унинг ижроси қай тарзда таъминланяпти?

— Инспекторларимиз томонидан олиб борилган ўрганишлар натижасида республика бўйича 2020 йилда дарахт кесиб билан боғлиқ 46 мингта ҳолат аниқланган. 2023 йилга келиб, у миқдор 5 мингтага камайган, — дейди Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Экология назорат инспекцияси бўлим бошлиғи Хуршид Пиров. — Бунда дарахт кесиб, уларни шикастлантириш, сўғормаслик, парвариш қилмаслик ҳам ҳисобга олинган. 2022 йилда 1777 туп қимматбаҳо дарахт кесилган бўлса, ўтган йили мазкур ҳолат 1097 тага тенг бўлган. Бу дарахт кесиб ҳолатлари 2022 йилга нисбатан 40-50 фоизга камайганидан далолат беради.

Дарахтлар кесилиши камайишига сабаб бўлган бир қатор омилларни санаб ўтиш мумкин. Биринчидан, жамоатчилик эътибори ва дарахтларни кесганлик учун жавобгарлик кучайтирилгани. Шу йил бошидаги тартиб бўйича диаметри 1 метр бўлган бир туп қим-

матбаҳо дарахтни кесганлик учун 100 миллион сўмга яқин жарима тўланади.

Вазирлик ходимлари томонидан олиб борилаётган мониторинг натижаларига кўра, 2022 йил кузи ва ўтган йилнинг баҳор мавсумида экилган кўчатларнинг 10 миллионга яқини қуриган. Шундан 7,5 миллионга яқини сувсизлик оқибатида шундай ҳолга тушган. Уларнинг ўрнини қоплаш мақсадида 2023 йилнинг куз мавсумида 92 миллион туп дарахт экилди. Яъни режа 108 фоизга бажарилди.

Мутахассислар атроф-муҳит инфлосаншининг асосий сабабларидан бири сифатида Тошкент шаҳрини ривожлантиришнинг тасдиқланган бош режасисиз жадал олиб борилаётган қурилиш ишлари эканини таъкидлайди. Ижтимоий ва давлат аҳамиятига эга бўлмаган янги тураржой мажмуалари ва бошқа объектларни ўзбошимчилик билан қуриш ҳолатлари кузатишмоқда. Мисол учун, кейинги беш йилда 5400 та объект — уй-жой, савдо, манший ва ижтимоий соҳа объектлари (ўсиш 33 фоиз) барпо этилди. Бинобарин, янги бинолар қуришга мораторий эълон қилиш режаси мавжуд, аммо бу ҳали ҳуқуқий жиҳатдан асосланмади.

— Сўнгги икки йилда, асосан, ўрнига қурилиш тушган дарахтлар кесилляпти, — дейди Хуршид Пиров. — Бу каби ҳолатларнинг 50 фоиздан кўпи Тошкент шаҳрида кузатиляпти. Масалан, дарахт ва буталар кесилишига қарши эълон қилинган мораторий даврида 49 мингта яқин дарахт ноқонуний кесилган. Уларнинг 10,5 минг тупи қимматбаҳо турлар сирасига кирилади.

Лекин дарахт кесилган айрим тадбиркорлик субъектлари қўрқатгани йўқ, Улар ўрнида турар жойлар ва бошқа бинолар қуриб, кесилган дарахт жаримасини арзиманган пул тўлаб қутилмоқчи бўляпти. Шу сабабли вазирлигимиз молиявий санкция миқдорини оширишни илгарти сурияпти.

Жазо чоралари кучайтирилди

Ўтган йил эида қутилмаган ҳолат рўй берди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгаришлар киритилган ва дарахтларни ноқонуний кесганлик учун жарима миқдори оширилди. Ҳужжат Президентимиз томонидан рад этилди. Депутат ва экспертлар бунга жарималар миқдорининг камлиги сабаб бўлиши мумкинлиги ҳақида фикр билдирди.

— Дарахтни ноқонуний кесганлик учун АҚШда 100 миңг, Францияда 150 миңг, Саудия Арабистонида 8 миллион долларгача жарима белгиланган, — деб ёзган эди Олий Мажлис куйи палатаси раиси ўринбосари Алишер Қодиров. — Бизда бу ҳаракат учун 1000 долларгача жарима кўзда тутилган

қуқуқбузарликларни содир этиш қуроли бўлган ашё ёки маъмурий қуқуқбузарликнинг бевосита ашёси мусодара қилиниб, фуқароларга БХМнинг 50 баробаридан 75 баробаригача, яъни 17 миллион сўмдан 25 миллион 500 миңг сўмгача (шу пайтта қадар БХМнинг 10 баробаридан 20 баробаригача), мансабдор шахсларга эса БХМнинг 75 баробаридан 100 баробаригача, яъни 25 миллион 500 миңг сўмдан 34 миллион сўмгача (шу пайтта қадар БХМнинг 20 баробаридан 30 баробаригача) миқдорда жарима солишга ёки 15 суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Шунингдек, МЖТКнинг 79-моддаси тўртинчи қисм билан тўлдирилди. Унга кўра, дарахт ва буталарнинг қимматбаҳо навларини кесиб, қундақов қилишга, шикастлантиришга ёки йўқ қилишга олиб келадиган лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиққан мансабдорлар БХМнинг 50 баробаридан 75 баробаригача, яъни 17 миллион сўмдан 25 миллион 500 миңг сўмгача жаримага тортилади.

Бундан ташқари, "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун 49- ва 49-модда билан тўлдирилди. Яъни давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталарнинг қимматбаҳо навларини ғайриқонуний равишда кесганлик, йўқ қилганлик учун юридик шахсларга нисбатан БХМнинг 100 баробаридан 300 баробаригача (34 миллион сўмдан 102 миллион сўмгача) миқдорда жарима тарзида молиявий санкциялар қўлланилади.

Хусусан, МЖТКнинг 79-моддасига киритилган ўзгаришга кўра, дарахтлар, буталар, бошқа ўсимлик ва ниҳолларни қонунга хилоф равишда кесган, қундақов қилган, шикастлантирган, йўқ қилган ёки бошқа жойга кўчириб ўтказган фуқаролар БХМнинг қонун Президент томонидан рад этилди. Эътироз тўғри, қонунни қайта кўрамаиз.

— Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун парламент томонидан қайта кўриб чиқилди. Ушбу ҳужжат жорий йил 1 март санасидан кучга кирди. Унга асосан, дарахт кесиб ёки унга шикаст етказганлик учун жазо чоралари кучайтирилган.

Хусусан, МЖТКнинг 79-моддасига киритилган ўзгаришга кўра, дарахтлар, буталар, бошқа ўсимлик ва ниҳолларни қонунга хилоф равишда кесган, қундақов қилган, шикастлантирган, йўқ қилган ёки бошқа жойга кўчириб ўтказган фуқаролар БХМнинг



25 баробаридан 50 баробаригача — 8 миллион 500 миңг сўмдан 17 миллион сўмгача (шу пайтта қадар БХМнинг 5 баробаридан 10 баробаригача), мансабдор шахслар эса БХМнинг 50 баробаридан 75 баробаригача, яъни 17 миллион сўмдан 25 миллион 500 миңг сўмгача (шу пайтта қадар БХМнинг 10 баробаридан 15 баробаригача) жаримага тортилади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса, маъмурий

Эндиликда давлат бюджетидан ҳар йили ажратиладиган маблағнинг камида 50 фоизи "яшил боғлар" ва "яшил жамоат парклари"ни ташкил қилиш учун "Очиқ бюджет" ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган "Менинг боғим" лойиҳасини молиялаштиришга йўналтирилади.

Франция Шаҳарсозлик кодексига кўра, бино қуриш вақтида дарахтларни кесганлик учун ҳуқуқбузарлар қурилиш билан банд қилинган майдоннинг ҳар бир квадрат метри учун 6 миң евродан жарима тўляди. Худди шундай ҳуқуқбузарлик такроран содир этилганида, 6 ойгача озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо ҳам қўлланилиши мумкин. Ўрмондаги диаметри 20 сантиметрдан кам бўлмаган дарахтни ўзбошимчилик билан кесиб уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки 45 миңг евро миқдорида жарима билан жазоланади.

Германияда ўрмонлар мамлакат ҳудудининг 32,7 фоизини ташкил эта-да, ўзбошимчилик билан дарахтга зарар етказганлик ёки уларни кесганлик учун жарима миқдори ҳар бир федерал ер томонидан алоҳида белгиланади. Қўлланиладиган қонунчилик ва кесилган дарахт турига қараб жарима суммаси 50 миң евродан 100 миңг еврогача фарқланиши мумкин. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича федерал қонунга асосан, мартдан октябрга қадар дарахт кесиб, шохларига қушлар ин қурган ёки бошқа жониворлар яшайдиган дарахтларни кесиб эса қатъиян тақиқланган.

Саудия Арабистонининг экологик қонунчилигига мувофиқ, дарахтларни ноқонуний кесганлик, қундақов қилиб тозалаганлик ёки кўчириб ўтказганлик, шохлари, илдизини олиб ташлаганлик учун 30 миллион риал (салкам 8 миллион АҚШ доллари)гача жарима ёки 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилиши мумкин...

Бугунги кунда сайёраимиздаги ўрмонларнинг умумий майдони 38 миллион квадрат километрни, яъни қуруқликнинг учдан бир қисмини ташкил этиб, унинг атиги 13 фоизи муҳофаза этиладиган ҳудудлар тоифасига ки-ради. Бироқ ҳар кун бу майдонлар муттасил камайиб бормоқда ва ҳар сонияда Ер юзи 1,5 гектардан ортиқ табиий дарахтзорни йўқот-моқда. Ҳуқуқматбуриш дарахт ўтказиш бўйича сазъи-ҳаракатига қарамай, инсоният ҳар йили 15-18 миллион гектар ўрмонни йўқ қил-моқда.

Мамлакатимизда бу ҳолат сайёраимиздаги ўртанча кўрсаткичдан-да ёмонроқ. Айни кунда яшил майдонлар юртимиз ҳудудининг ўн фоизига ҳам етмайди. "Яшил макон" умум-миллий лойиҳасини амалга ошириш доира-сида ҳар йили 200 миллион дарахт ва бута кўчатларини ўтказиш вазифаси белгиланган. Бунинг натижасида юртимиздаги яшил май-донлар ҳудуди амалдаги 8,6 фоиздан 30 фоиз-гача оширилиши режалаштирилган. Жумла-дан, 2024 йилда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида камида 200 миллион туп

манзарали ва мевали дарахт ҳамда буталар кўчатини, қаламчаларини экиш, юртимиз-да 444 та яшил боғлар барпо этиш вазифаси қўйилган.

Ўрмон хўжаликлари ва "Яшил макон" лойи-ҳасини амалга оширишда инвестиция дастури механизмини қўллашга эътибор қаратилади ҳамда 2024 йилдан бошлаб республика бюд-жетдан 500 миллирд сўм ажратиб борилади. Кўчатчиликни ривожлантириш ва аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида касаначилик асо-сида кўчат етиштириш тизими жорий этилади. Унга мувофиқ, 2024 йил 1 январдан бошлаб уй шароитида ёки касаначилик асосида дарахт ва бута кўчатларини (ниҳол) етиштириш фаоля-ти ўзини ўзи банд қилган шахслар суғуллани-ши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) ҳисобланади.

— 2024 йилда ўрмон фондининг 1,5 миңг гектарига касаначилик асосида кўчат етиштириш ишларини йўлга қўйиш орқали камида 10 миңг аҳоли бандлиги таъмин-ланади, — дейди Ўрмон хўжалиги агент-лиги масъул мутахассиси Дилрабо Бобое-ва. — Жисмоний ва юридик шахсларнинг буюртмаси асосида дарахт, бута кўчатлар-ини экишни ташкиллаштиришни қўл-лаб-қувватлаш мақсадида электрон тўлов тизимларидан фойдаланувчилар ва бошқа истеъмолчилар томонидан ихтиёрий хай-рия ўтказмалари бўйича хизмат кўрсатувичи "Яшил тўлов" платформаси жорий қилина-ди. Экология вазирлиги ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда "Яшил тўлов" платформаси орқали республикада дарахт ва бута экишига аҳолини кенг жалб қилиш бўйича "Яшил хайрия жамғармаси" ташкил

